# ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛШУНОСЛИГИДА ФРАЗЕМАЛАР МАЪНОЛАРИГА КЎРА ТАСНИФИ

**Xaytbayev Oybek Allambergenovich,**
*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti assistent o‘qituvchi*
*E-mail: xaytbayev_oybek@mail.ru*

Қорақалпоқ тилшунослигида фразеологик иборалар биринчи марта проф. Е.Бердимуратовнинг “Ҳозирги замон қорақалпоқ тили. Лексика” китобида ўрганилган. У фразеологик бирликларни эркин сўз бирикмаларидан фарқлаб кўрсатади. Муаллиф қорақалпоқ тилидаги фразеологик сўз бирикмаларини семантик бирикувчанлиги бўйича тўрт гуруҳга бўлиб ўрганади: фразеологик чатишма (фразеологиялық өтлесиўлер), фразеологик бутунлик (фразеологиялық бирликлер), фразеологик қўшилма (фразеологиялық дизбеклер), фразеологик сўзлар (фразеологиялық сөзлер). Бу гуруҳларни лексик-семантик томондан бир-биридан ажратиб кўрсатади.

Тилшунос Ж. Ешбаев фраземаларнинг маъно жиҳатдан уч турини ажратади. Булар: фразеологик чатишма (фразеологиялық өтлесиўлер), фразеологик бутунлик (фразеологиялық бирликлер), фразеологик қўшилма (фразеологиялық дизбеклер).

Фразеологик чатишма (фразеологиялық өтлесиўлер)ни ўзининг таркибидаги сўзларнинг маъносидан мустақил тарзда лексик жиҳатдан бир маъно англатадиган, бошқа тилга сўзма-сўз таржима қилишга бўлмайдиган турғун сўз бирикмалари, деб атасак бўлади.

Фразеологик бутунлик (фразеологиялық бирликлер) деб маълум шароитда ўз таркибига кирган сўзларнинг маъноси билан боғлиқ, бир маънога эга бўлган, бир-биридан ажратиб қарашга бўлмайдиган образли маънодаги турғун сўз бирикмаларига айтилади.

Муаллиф фраземанинг мазкур турига қуйидаги мисолларни келтирган: *кўз тикмоқ, қулоқ солмоқ, кўзи етмоқ, оғзининг суви қуримоқ, тили билан қуш ушламоқ (тутмоқ), оғзини очиб юмгунча* ва ш.к.

Шу билан бирга фразеологик бутунликнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ҳам кўрсатган:

1.Фразеологик бирликнинг маъноси таркибидаги сўзларнинг (компонентларнинг) қайсиси бўлмасин, биттасининг маъносига яқин келади.

2.Буларнинг ичида лексик маъноси тушуниксиз эскирган сўзлар оз учрайди.

3.Фразеологик бирликдаги сўзларнинг баъзиларининг маъноси яқин сўзлар билан (ёки синонимлари билан) алмаштиришга (ўзгартиришга) бўлади.

4.Фразеологик чатишмаларга қараганда оддий маънода келади.

5. Фразеологик чатишмаларга қараганда образлилик ортиқроқ бўлиб келади.

Фразеологик қўшилма (фразеологиялық дизбеклер) булар таркибидаги сўзларнинг лексик маънолари билан боғлиқ ясалади ва бир маъно англатмасдан, умумий маънога эга бўлади.

Муаллиф фраземанинг мазкур турига қуйидаги мисолларни келтирган: *бир оғиздан қабул олмоқ, не билгани ичида бўлмоқ, қувончи қўйнига сиғмаслик, ўйнинг тубига ета олмаслик, қайғунинг қора тубига тушмоқ* ва ш.к.

Олим фразеологик бутунлик (фразеологиялық бирликлер)нинг фразеологик қўшилма (фразеологиялық дизбеклер) билан маъноси ва шакли яқин эканлигини таъкидлайди. Лекин иккаласининг фарқини етарли даражада очиб бермаган кўринади. Келтирилган мисоллар ҳам унчалик фарқ қилмайди. Иккаласида ҳам аъзоларининг бири кўчма маънода бўлиши кўрсатилган.

Қорақалпоқ тилининг фразеологияси бўйича бирмунча иш қилинган бўлса ҳам, ҳали бу соҳа тўла ўрганилган деб бўлмайди. Кейинги даврдаги лингвистика соҳасидаги янгиликлардан фойдаланиб, кейинги тадқиқот усуллари асосида қорақалпоқ фразеологиясини чуқур тадқиқ қилиш тилшунослар олдида турган долзарб масалалардан биридир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бердимуратов Е. Ҳәзирги заман қарақалпақ тили. Лексика. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1964.
2. Бердимуратов Е., Дәўлетов Е. Тил билимине кириспе. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988.
3. Бекбергенова Г. Қарақалпақ, рус ҳәм инглис тиллериндеги фразеологиялық сөз дизбеклериниң мәнилик сәйкесликлери. – Нөкис: ҚМУ, 2009.
4. Юсупова Б. Қарақалпақ тили фразеологиясының актуал мәселелери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2011.